

Назарга назарни эргаштирмаслик | Сийрат дарслари (359-дарс)



19:00 / 26.12.2025 672

819. Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Огоҳ бўлинглар! Ҳеч бир эркак жувон бор жойда ётиб қолмасин. Фақат (унинг) эри ёки маҳрами бўлса, майли»**, дедилар».

Муслим ривоят қилган.

820. Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Бир эркак зинҳор бир аёл билан холи қолмасин»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

821. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Бану Ҳошимдан бир неча киши Асма бинт Умайснинг олдига киришди. Сўнгра Абу Бакр Сиддиқ кирди – ўшанда аёл унинг никоҳида эди – ва уларни кўриб, ёқтирмади. Кейин буни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга зикр қилди ва: «Яхшиликдан бошқани кўрганим йўқ», деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта, Аллоҳ уни бундан оқлади», дедилар. Сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам

минбарда туриб: **«Бугундан бошлаб ҳеч бир эркак эри бўлмаган аёлнинг олдига кирмасин! Фақат у билан бошқа бир ёки икки киши бўлса, майли»**, дедилар».

Муслим ривоят қилган.

822. Жарир ибн Абдуллоҳ Бажалий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан тўсатдан назар тушиб қолиши ҳақида сўрадим. Шунда у зот кўзимни бошқа томонга буришимга амр қилдилар».

Муслим ривоят қилган.

823. Бурайда ибн Ҳусойб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Алийга: **«Эй Алий, назарга назарни эргаштирма. Албатта, биринчиси сен учун безарар бўлса ҳам, бошқаси ундай эмас»**, дедилар».

Абу Довуд, Термизий, Ибн Ҳиббон ва Ҳоким ривоят қилишган.

824. Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам хотинчалиш эркакларни ва эркаксифат аёлларни лаънатладилар ҳамда: **«Уларни уйлارينгиздан ҳайдаб чиқаринглар»**, дедилар. Сўнг Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам фалончини ҳайдаб чиқардилар, Умар фалончини ҳайдаб чиқарди».

Бухорий ривоят қилган.

825. Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам аёлларидан бири билан эдилар. Бир киши ўтиб қолди. У зот уни чақирдилар. У келганда: **«Эй Фалончи, бу менинг хотиним Фистончи»**, дедилар. «Эй Аллоҳнинг Расули, бошқадан гумон қилсам ҳам, сиздан гумон қилмайман», деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Албатта, шайтон инсоннинг қон юрар жойида юради»**, дедилар».

Муслим ривоят қилган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 ноябрдаги 03-07/9078-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.